

**ХОРИЖИЙ ПИСТА НАВЛАРИ УРУҒ АВЛОДИНИ ЎСТИРИШДА  
КУЗАТИЛАДИГАН ДАСТЛАБКИ УМУМИЙ ХАТОЛАР****Эшанкулов Бобомурод Инаятович**Қ.х.ф.ф.д., ЎХИТИ, Тошкент вилояти  
bobomurodovich@mail.ru**Холмуротов Мансур Зарипбаевич**Қ.х.ф.ф.д., ТошДАУ Тошкент вилояти  
m.xolmurotov@tdau.uz**Худайназарова Наргиза Худаяровна**ЎХИТИ, Тошкент вилояти  
xudoyarova2022@mail.ru<https://doi.org/10.5281/zenodo.7212436>

**Аннотация.** Хорижий давлатларнинг ривожланган соҳаларига қизиқиши каби ўрмон хўжалигига бўлган қизиқиши ҳам аҳолимиз томонидан юқори ҳисобланади. Шу жумладан хандон писта дарахтларини ўстириши ҳам бундан мустасно эмас. Барча хориждан келтирилган писта уруғларидан пистазорлар барпо қилишида умумий хатоликлар кўзга ташланади. Бу камчиликларни бартараф этиши учун аҳолини пистачиликка бўлган билимларини ошириши, мавжуд пистазорларнинг хуштаъм, йирикмевали, касаллик ва зараркунандаларга чидамли дарахтларини топиши, илмий кузатишлар олиб бориши ва улардан фойдаланган ҳолда реконструкция ишларини ўтказиши керак бўлади.

**Калит сўзлар.** Қимматбаҳо, сердаромад, нав, Round, Long, Super Long, Jumbo, шакл, хатолар, уруғчи, чангчи.

**РАСПРОСТРАНЕННЫЕ НАЧАЛЬНЫЕ ОШИБКИ ПРИ ВЫРАЩИВАНИИ  
ЗАРУБЕЖНЫХ СОРТОВ ФИСТАШКИ ИЗ СЕМЯН**

**Аннотация.** Среди нашего населения высок интерес к развитым отраслям зарубежных стран, в том числе велика интерес отраслям таким как лесное хозяйство. Также выращивание фисташковых деревьев не является исключением. Нами было замечено типичные ошибки при посадке фисташковых садов из всех привозных семян фисташки. Для устранения этих недостатков необходимо повысить информированность населения о возделывании фисташки, подобрать фисташки которые приятно на вкус, крупноплодные, устойчивые к болезням и вредителям дерева существующих в фисташковых роц. Провести научные наблюдения и восстановительные работы с их использованием.

**Ключевые слова.** Драгоценный, выгодный (приносящий большой доход), сорт, Round, Long, Super Long, Jumbo, форма, ошибки, пыльца, тычинок.

**COMMON INITIAL ERRORS IN GROWING FOREIGN PISTACHIO VARIETIES  
FROM SEEDS**

**Abstract.** Interest in forestry, as well as interest in the developed industries of foreign countries, is highly appreciated by the population of our country. Also, the cultivation of pistachio trees is no exception. We noticed typical mistakes when planting pistachio orchards from all imported pistachio seeds. To eliminate these shortcomings, it is necessary to raise awareness of the population about the cultivation of pistachios, to select pistachios that are

*pleasant to the taste, large-fruited, resistant to diseases and pests, trees existing in pistachio groves. Conduct scientific observations and restoration work using them.*

**Keywords.** *Precious, profitable (bringing a large income), grade, Round, Long, Super Long, Jumbo, the form, mistakes, pollen, stamens.*

### **Кириш.**

Хандон писта дунёнинг кўпгина мамлакатларида етиштирилувчи қимматбаҳо, сердаромад маданий экин тури ҳисобланади. Дунё бўйича етиштириладиган писта ёнғоқмеваси йилига 1 млн тоннадан ошди [9]. Энг кўп писта етиштирувчи давлатлар АҚШ, Эрон, Туркия, Хитой ва Сурия ҳисобланади. Ҳозирги пайтда АҚШ, Туркия, Сурия, Тунис писта етиштириш бўйича Эронга рақобатчилик қилаётган бўлсада, дунёда Эрон писталарига бўлган талаб ва қизиқиш катта. Эронда хандон пистанинг 90 га яқин нави етиштириляётган бўлса, шундан жуда кўплаб навлари савдо брендлари остида сотилади, буларга Оухади (*Round* номи билан машҳур), Ахмад Агаи (*Long*), Акбари (*Super Long*), Кале Гучи (*Jumbo*), ларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин [7].

Хандон писта майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш учун унинг плантацияларини тўғри ташкил этиш, иқлим ва тупроқ шароитига мос келадиган нав ва шаклларни тўғри танлаш, агротехник тадбирларни сифатли ташкил этишни илмий равишда ташкил этиш долзарб масаладир. Бу борада Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан бир қанча илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб, ишлаб чиқариш соҳалари ва кенг оммага тақдим этмоқда [1,4,5,6,7,8].

**Тадқиқот объекти** - хориждан келтирилган маданий хандон пистанинг Ахмади, Акбари ва Фандуги уруғларидан ўсган писта дарахтлари, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Пистачилик илмий тажриба станциясида барпо этиладиган писта плантацияси.

**Тадқиқот услубияти** - Ўзбекистон турли минтақаларида ўстириляётган хандон пистанинг хорижий навлари – Ахмади, Акбари, Фандугиларни плантациялари, дарахтзорлари, боғларда ва аҳоли томорқаларида ўстириляётган дарахтлари аниқланади. Дарахтларда таксацион таҳлил ўтказилади ва баҳоланади [4]. Аҳоли фикри ўрганилади.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Хандон писта – *Pistacia vera* L. – Пистадошлар *Anacardiaceae* оиласининг Писта *Pistacia* L. туркумига киради. Бу оила вакиллари таркибида дарахт ва буталар, улар тропик ва субтропик, айрим турлари мўътадил иқлимли минтақаларда тарқалган [2,3].

Мамлакатмиз фуқаролари тадбиркорлик, бизнес ва туризм сабабли дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлишади. Хорижий давлатларнинг ривожланган соҳаларига қизиқиш каби ўрмон хўжалигига бўлган қизиқиш ҳам аҳолимиз томонидан юқори ҳисобланади. Шу жумладан хандон писта дарахтларини ўстириш ҳам бундан мустасно эмас. Мамлакатимизда хориждан келтирилган хандон пистанинг нав уруғларидан пистазорлар барпо этишга уриниш бунга ёрқин мисол бўлади. Барча хориждан келтирилган писта уруғларидан пистазорлар барпо қилишда умумий хатоликлар кўзга ташланади. Булар:

-экилган йирик уруғдан албатта йирикмева берувчи писта дарахти бўлади деб ишониш;

-ёш писта дарахти ёки кўчатини кўчириб ўтказишга уриниш натижасида нобуд бўлиши;

-чангчи ва уруғчи дарахтни фарқлай олмаслик;

-дарахтлар биологиясини билмаслик сабабли чангчи дарахтларни кесиб ташлаш;

-пайванд қилиш муддатлари ва усулини билмаслик натижасида майдонда дарахтлар нисбатининг нотўғри тақсимланиши;

- уруғчи дарахтлар ҳосилдорлиги ва сифати паст бўлишини бартараф этиш усулларини билмаслик.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида бир неча вилоятларда хорижий писта нав уруғ авлоди пистазорлар умумий ҳолати, вегетацияси ўрганиб чиқилди, таксацион баҳоланди. Бунинг учун Фарғона, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги хорижий писта навларининг уруғ авлодидан барпо этилган пистазорлар ва дарахтлар ўрганилди.

1-жадвал

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Повулгон қишлоғи Бойқўзиев Рўздатга қарашли Эрондан келтирилган хандон писта Ахмади нави уруғ авлоди дарахтларининг таксацион кўрсаткичлари (3x4м)

№	Дарахт	Ёши, йил	Бўйи, м	Танаси, м	Тана ҳолати, сони	Шох-шаббаси, м	Суғориш шароити	Пайванд ҳолати	Мевасининг шакли	Ҳосилдорлик, 1 дарахт/кг
1.	уруғчи	8	3,0	0,22	1	3,1x3,2	лалми	қилинмаган	кичик	0,4
2.	уруғчи	8	3,1	0,22	2	3x3,2	лалми	қилинмаган	йирик	0,4
3.	уруғчи	8	3,7	0,24	2	3,4x3,6	лалми	қилинмаган	ўртача	0,5
4.	чангчи	7	2,8	0,2	3	3x3	лалми	қилинмаган	-	-
5.	чангчи	8	3,2	0,22	2	3,1x3,2	лалми	қилинмаган	-	-
6.	уруғчи	8	3,5	0,24	3	3,2x3,4	лалми	қилинмаган	кичик	0,4
7.	чангчи	8	3,0	0,22	3	3,2x3,2	лалми	қилинмаган	-	-
8.	уруғчи	8	3,0	0,2	2	3,2x3	лалми	қилинмаган	кичик	0,4
9.	уруғчи	8	3,1	0,2	3	3,1x3,2	лалми	қилинмаган	кичик	0,3
10.	чангчи	8	3,3	0,2	2	3,2x3,2	лалми	қилинмаган	-	-

2-жадвал

Сурхондарё вилояти Сарийосиё тумани Тоғчи қишлоғи Тўрақулов Носирхон томорқа участкасида Эрондан келтирилган хандон писта Ақбари нави уруғ авлоди дарахтларининг таксацион кўрсаткичлари (4x6м, д.с.б 950)

№	Дарахт	Ёши, йил	Бўйи, м	Танаси, м	Тана ҳолати, сони	Шох-шаббаси, м	Суғориш шароити	Пайванд ҳолати	Мевасининг Шакли	Ҳосилдорлик, 1 дарахт/кг
1.	чангчи	23	4,4	0,34	5	4,2x5,0	лалми	қилинмаган	-	-
2.	чангчи	23	4,5	0,32	1	4,2x5,2	лалми	қилинмаган	-	-
3.	уруғчи	23	4,2	0,32	5	4,6x5,2	лалми	қилинмаган	йирик	16
4.	уруғчи	23	4,4	0,28	5	4,2x5,2	лалми	қилинмаган	йичик	10
5.	уруғчи	23	4,8	0,34	1	4,8x5,6	лалми	қилинмаган	йирик	18
6.	уруғчи	23	4,2	0,26	4	4,4x5,4	лалми	қилинмаган	ўртача	14
7.	чангчи	23	5,4	0,32	5	4,4x5,2	лалми	қилинмаган	-	-
8.	чангчи	23	5,0	0,26	4	3,6x5,0	лалми	қилинмаган	-	-
9.	чангчи	23	5,0	0,30	6	3,8x4,2	лалми	қилинмаган	-	-
10.	чангчи	23	5,2	0,30	1	4,0x4,2	лалми	қилинмаган	-	-

3-жадвал

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Тоғчи қишлоғи Тўрақулов Хабибулло томорқа участкасида Эрондан келтирилган хандон писта Акбари нави уруғ авлоди дарахтларининг таксацион кўрсаткичлари (бхбм, д.с.б 950)

	Дарахт	Еши, йил	Бўйи, м	Танаси, м	Тана ҳолати, сони	Шох-шаббаси, м	Суғориш шароити	Пайванд ҳолати	Мевасининг шакли	Ҳосилдорлик, 1 дарахт/кг
1.	чангчи	18	5,4	0,30	1	5,4x5,2	доимий суғорилади	қилинмаган	-	-
2.	уруғчи	18	4,8	0,34	1	5,2x5,6	доимий суғорилади	қилинмаган	йирик	30
3.	чангчи	18	4,2	0,26	4	5,4x5,4	доимий суғорилади	қилинмаган	-	-

4-жадвал

Қашқадарё вилояти Нишон тумани Янги Нишон шаҳарчаси Шодлик кўчаси 1 уй Эшқобилов Келдиёр томорқа участкасида Эрондан келтирилган хандон писта Аҳмади нави уруғ авлоди дарахтларининг таксацион кўрсаткичлари (3 м)

	Дарахт	Еши, йил	Бўйи, м	Танаси, м	Тана ҳолати, сони	Шох-шаббаси, м	Суғориш шароити	Пайванд ҳолати	Мевасининг шакли	Ҳосилдорлик, 1 дарахт/кг
1.	уруғчи	6	3,0	0,22	1	3,4x3,2	лалми	қилинмаган	йирик	0,4
2.	чангчи	6	3,1	0,22	2	3x3,2	лалми	қилинмаган	-	-
3.	чангчи	6	3,7	0,24	2	3,2x3,2	лалми	қилинмаган	-	-
4.	чангчи	6	3,8	0,2	3	3,2x3,2	лалми	қилинмаган	-	-
5.	чангчи	6	3,2	0,22	2	3,1x3,2	лалми	қилинмаган	-	-
6.	чангчи	6	3,5	0,24	3	3,2x3,4	лалми	қилинмаган	-	-
7.	чангчи	6	3,0	0,22	3	3,2x3,2	лалми	қилинмаган	-	-
8.	чангчи	6	3,2	0,2	2	3,2x3,2	лалми	қилинмаган	-	-
9.	чангчи	6	3,2	0,2	3	3,2x3,2	лалми	қилинмаган	-	-
10.	уруғчи	6	3,2	0,2	2	3,0x3,2	лалми	қилинмаган	кичик	0,3

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Тоғчи қишлоғи Тўрақулов Носирхон томорқа участкасида Эрондан келтирилган хандон писта Аҳмади нави уруғ авлоди нисбатан йирик ва тўлиқ ҳосилга кирган дарахтлар эканлигини кўришимиз мумкин. Дарахтлар денгиз сатҳидан 950 м баландликда, суғорилмасдан ўстирилади. Йирик мевали дарахтларни қайд этдик ва бу дарахтларда ўртача ҳосил 16 кг эканлигини аниқладик. Уруғчи дарахтлар-40%, чангчи дарахтлар – 60% ни ташкил қилади. Дарахтлар пайванд қилинмаган.

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Тоғчи қишлоғи Тўрақулов Хабибулло томорқа участкасида Эрондан келтирилган хандон писта Акбари нави уруғ авлоди дарахтларининг таксацион кўрсаткичларини аниқладик. Ушбу хонадонда 3 та йирик дарахт бўлиб бунда иккита чангчи ва битта уруғчи дарах т мавжуд. Эътиборли томон 2021 йилда ушбу уруғчи дарахт 30 кг писта ёнғоқмеваси (тозаланган, қуритилган) ҳосилини берган. Бу дарахтлар суғориладиган майдонда ўсади. Пайвандланмаган.

Қашқадарё вилояти Нишон тумани Янги Нишон шаҳарчаси Шодлик кўчаси 1 уй Эшқобилов Келдиёр томорқа участкасида Эрондан келтирилган хандон писта Аҳмади нави уруғ авлоди дарахтлари ҳолати яхши, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиш ҳолати қайд этилмади. Дарахтлар ҳосилга кириш арафасида. Ҳозирча битта дарахтда йирик мева бериши кузатилди.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун аҳолини пистачиликка бўлган билимларини ошириш, мавжуд пистазорларнинг хуштаъм, йирикмевали, касаллик ва зараркунандаларга чидамли дарахтларини топиш, илмий кузатишлар ўтказиш ва улардан фойдаланган ҳолда реконструкция ишларини ўтказиш керак бўлади.

**ХУЛОСА.** Ўтказилган таксацион таҳлиллар ва писта ўстирувчи ҳаваскорлар билан суҳбатлардан юқоридаги хато ва камчиликларни бартараф этиш учун аҳолини пистачиликка бўлган билимларини ошириш, мавжуд пистазорларнинг хуштаъм, йирикмевали, касаллик ва зараркунандаларга чидамли дарахтларини топиш, илмий кузатишлар олиб бориш ва улардан фойдаланган ҳолда реконструкция ишларини ўтказиш керак бўлади.

#### REFERENCES

1. Ботман Е. К. Роль международного сотрудничества в развитии фисташководства в Узбекистане // Материалы Республиканской научно-практической конференции, посвященной 80-летию д.с.-х.н. Чернова Г.М. – Ташкент, 2016. –С. 51-54.
2. Булыгин Н.Е “Дендрология” Ленинград “Агропромиздат” 1991 с.269
3. Қайимов А., Бердиев Э.Т. Дендрология. –Тошкент: Фан ва технология, 2012. – 132-134 б.
4. Холмуротов М.З., Қайимов А., Чернова Г.М., Тўраев А. Хандон писта плантацияларини барпо этишда унинг истиқболли шакл ва навларини асослаш. – Тошкент, 2012. – 40-84 б.
5. Чернова Г.М., Ботман Е.Г., Николяи Л.В., Туляганов Т.Э. Рекомендации по выращиванию плантаций фисташки настоящей на сортовой основе в аридных предгорьях Узбекистана. – Ташкент, 2014. – С. 27-50.
6. Чернова Г.М., Хамзаев А.Х., Эшанкулов Б.И., Шайматов О.А. “Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғ олди лалмикор ерларида хандон пистани саноат плантацияларида ўстириш технологиясини такомиллаштириш”.- Тошкент, 2019
7. Hamzayev A. K., Eshankulov B. I., Kholmurotov M. Z., Inomova M. M. Study on cultivation of pistachio (*Pistacia vera* L.) seedlings in containers //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2020. – Т. 614. – №. 1. – С. 012119.
8. Kayimov A., Kholmurotov M. Z., Eshankulov B. I. Justification of prospective pistachio (*Pistacia vera* L.) varieties and forms while creating plantations in Uzbekistan //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2021. – Т. 939. – №. 1. – С. 012037.
9. <https://www.worldatlas.com/articles/top-pistachio-consuming-countries.html>